

ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ**Мирзаев Анвар Сатторалиевич**

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21869903>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 15-моддасида «Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш» ва 16-моддасида «Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш» коррупцияга оид жиноят сифатида белгиланган. Жумладан, “16-модда. Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш.

Ҳар бир иштирокчи давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

Ҳар бир иштирокчи давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.”¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси (Пора бериш) ва 212-модда (Пора олиш беришда воситачилик қилиш)ларида шундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан:

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси Электрон манба
<https://lex.uz/docs/1461329>

Пора бериш (ЖК 211-м.). Пора бериш – бу давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишдир.

Пора бериш жиноятининг бевосита объекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг нормал фаолиятини амалга ошириш соҳасида вужудга келадиган ижтимоӣ муносабатлардир.

Пора бериш жиноятининг предмети моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат бўлиши мумкин (жиноят предметининг тушунчаси ҳақида ЖК 210-моддаси таҳлилига қаранг). Пора бериш жинояти объектив томондан давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш ҳаракатларида ифодаланади.

Пора бериш жинояти пора олувчи томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар, пора предметининг лоақал бир қисми берилган вақтдан тугалланган деб топилади.

Агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатини пора бериш учун суиқасд қилиш каби тавсифлаш лозим бўлади.

Айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб, пора тариқасида пул ёки бошқа қимматликларни олганида ва уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик сифатида тавсифланиши лозим. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб квалификация қилинади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахснинг кимлиги айtilган ёки айtilмаганлигининг аҳамияти бўлмайди.

Пора бериш жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Айбдор (пора берувчи) мансабдор шахсга пора предметини хизмат мавқеидан фойдаланиб унинг манфаатида бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун қонунга хилоф равишда бериши ижтимоий хавфлилигини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди.

Мазкур жиноятнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Пора бериш жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.


Пора бериш: а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 211-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Пора бериш: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 211-моддаси учинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 211-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади. Мазкур норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод этишнинг қуйидаги шартларини ажратиш мумкин:

- а) шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганлиги;
- б) пора берган шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида арз қилиши;
- в) пора берган шахс ўз ихтиёри билан арз қилиши;
- г) пора берган шахс содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши.

Ушбу шартларнинг барчаси аниқланган тақдирдагина пора берган шахсга нисбатан ушбу рағбатлантирувчи норма қўлланилади. Агар ушбу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса (масалан, пора берган шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ваколатли органга ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган, бироқ унга нисбатан пора



сўраб товламачилик қилинмаган бўлса) шахсга нисбатан мазкур рағбатлантирувчи норма қўлланилмайди.


Шу ўринда шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганлиги деганда, мансабдор шахс томонидан шахснинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш тушунилади.

Пора берган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг яна бир шарти, ушбу жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида арз қилиши ҳисобланади. Ушбу шартда назарда тутилган муддатлар ЖПКнинг 314-моддаси талаблари асосида ҳисобланади. Яъни муддатни ҳисоблашда, жиноий ҳаракат содир этилган сутка ҳисобга олинмайди ва эртаси кундан бошлаб ўттиз сутка муддат ўтиши бошланади. Бунда ўттиз сутка дам олиш кунларини ҳам эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Муддатнинг охириги суткаси аризани қабул қилаётган органнинг иш вақти тамом бўлиши билан тугайди. Муддатнинг тугаши ишдан ҳоли кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди.

Ўз ихтиёри билан арз қилиши деганда, пора берган шахснинг ўз ихтиёри билан (ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли ҳолда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга пора берганлиги ҳақида ҳар қандай шаклда (ёзма ёки оғзаки) арз қилиши тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлган пора бериш ҳолатлари юзасидан берилган ариза шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди. Бундай шахснинг жавобгарлик масаласи умумий тартибда ҳал қилиниши лозим.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш деганда, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган шахс ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб, содир этилган жиноят ҳолатлари ҳақида арз қилиши, қилмишидан пушаймонлигини билдириши, жиноятни очишга ёки унинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, шахснинг мансабдор шахсга пора берганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиши бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олиш жинояти содир этилганлиги ҳақида арз қилиш ҳисобланганлиги боис, ваколатли мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий



арз қилаётган шахсларга ЖКнинг 237-моддасида назарда тутилган ёлғон хабар берганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тушунтирилиши шарт.

Пора берган шахснинг Жиноят кодекси 211-моддасининг тўртинчи қисмига асосан жавобгарликдан озод қилиниши, унинг ҳаракатида жиноят таркибини йўқлигини англатмайди. Шунинг учун у жабрланувчи сифатида эътироф этилмайди ва пора тариқасида берган қимматликларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

